



Ватанни севмак иймандандур!



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 7 октябрь, сешанба № 117 (22.201).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

Яқинда Вашингтонда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдими — илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

5 октябрь куни Тошкентда Буюк Британия маданияти кунлари фестивали бошланди.

Саудия Арабистони Подшолиги олий таълим вазири Халид ибн Муҳаммад ал-Анкарый раҳбарлигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташири давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич рўёбга чиқариш юзасидан комплекс тадбирлар режасини ишлаб чиқиб амалга оширсин. Давлат бюджетини тасдиқлашда миллий дастурнинг молиявий ва моддий таъминотига алоҳида эътибор берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 1997 йил 29 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, тегишли қонунчилик ва норматив базани вужудга келтириш бўйича ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий тадбирларни амалга ошириш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича тақлифларни тайёрловчи Республика комиссияси ва унинг қуйидаги кичик комиссиялари ташкил қилинсин: — амалдаги қонунчиликка танқидий баҳо бериш ва уни такомиллаштириш бўйича кичик комиссияси; — қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича кичик комиссияси — 1-3-илваларга мувофиқ таркибда;

2. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича тақлифларни тайёрловчи Республика комиссияси бир ой муддатда тегишли вазирликлар ва идоралар иштирокида:

қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатларини чуқур таҳлил этиб, уларнинг ҳозирги бозор ислохотлари босқичига қай даражада мувофиқ эканлигига баҳо бериш; қишлоқ хўжалигини ислохот қилиш ва ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг лойиҳасини ишлаб чиқиб, муҳокамага тақдим этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997 йилнинг 10 ноябрига қадар муддатда қишлоқ хўжалигини ислохот қилиш масалалари бўйича янги қонунларнинг лойиҳаларини ва амалдаги қонунчиликка қўшимчаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ. 1997 йил 6 октябрь.

1997 йил 25 октябрга қадар булган муддатда тегишли вазирликлар, идоралар, илмий ва ўқув муассасаларининг иштирокида «1998-2000 йилларда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг лойиҳасини ишлаб чиқиб, муҳокамага тақдим этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997 йилнинг 10 ноябрига қадар муддатда қишлоқ хўжалигини ислохот қилиш масалалари бўйича янги қонунларнинг лойиҳаларини ва амалдаги қонунчиликка қўшимчаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ. 1997 йил 6 октябрь.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Тошкентда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг пленуми бўлди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари, тармоқ касаба уюшмалари марказий кумиталари раислари иштирок этди.

Мамлакатимизда руй бераётган муҳим сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий узгаришларда барча жамоат ташкилотлари каби касаба уюшмалари

нинг ҳам узига хос урни бор. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга хизмат қилиш уларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу борада муайян иш олиб борилаётган бўлсада, касаба уюшмалари тизимини замон талабига мос равишда ислохот қилиш, кадрларни танлаш ва уларни тарбиялаш, аҳоли уртасида маданий-манший ишларни янада яхшилаш, жисмоний тарбия ва спортни тобора ривожлантириш соҳасида касаба уюшмалари олиб бораётган ишларни қониқарли, деб бўлмайд.

Пленумда ташкилий масала қўрилди. Ҳ. Жамолов ўз аризасига қура Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси вазифасидан озод этилди. Тошкент вилояти ҳокимининг уринбо-

сари лавозимида ишлаб келаятган Д. Жаҳонгирова Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси этиб сайланди.


Пленумда, шунингдек, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашини касаба уюшмалари ялпи конфедерацияси таркибидан чиқариш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди. Бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Бош вазири У. Султонов пленумда сузга чиқди.

Пленумда республика Бош вазирининг биринчи уринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, У. Раҳматов, Бош вазир уринбосари, республика хотин-қизлар кумитаси раиси Д. Гуломова қатнашди.

(ЎзА).

БУ ДУНЁНИНГ



ИШЛАРИ

15 апрелда федерал марказ Оклахома-ситида 168 кишининг ёстигини қуритган портлашни уюштиришда иштирок этганликда айбонланган Терри Никольс устидан суд жараяллари бошланди. У июнда ўлимга маҳкум этилган эди. Аммо унинг малакали адвокатлари воқеалар йўналишини ўзгартириб юбордилар.

Фожияли ўлимдан олдинроқ марҳум малика Диана яқин дўсти Доди ал-Файед билан биргаликда «Мамбо» номли янги бадиий фильмни суратга олишда иштирок этганига розлик берган эди. Ушбу фильмни Жанубий Африка Республикасининг энг яхши хусусий қўриқхонаси «Шамвари»да суратга олиш мўлжалланган бўлиб, фильмнинг асосий мавзунини педдаларга қарши минилар қўлланиши ва ҳалқаро миқёсда фил сўяги билан савдо-сотик қилишга қарши эди. Энди фильмни суратга олишда марҳум Диананинг ўғиллари, эри ва акиси иштирок этади.

Даниёда бошпанасизларнинг ассоциацияси тузилди. Унга ўн саккиз ёшдан катталар қабул қилинади. Бундан ташқари қабул қилинувчи энг камидан бир йил давомида кўча-кўйда оворасарсон бўлган бўлиши керак.

Исроилликлар «Хамас» ҳаракатининг раҳбари Исмаил Хания «соқлиқга қура» ҳабсдан озод этиб, Иорданияга жўнатиб юбордилар. Фалаж ва суқар бўлиб қолган Ахмад Ёсин 9 йил қамқоғонада сақланган ва Иордания қироли Хусайннинг қилимига жавобан озод этилди.

Индонезия ва Украина компаниялари таққиқ этишда ҳамкорлик қилишни мустаҳкамловчи ҳужжатга имзо чекди. Ҳужжатга қура, Индонезиянинг кўп сонли ороларидан бирида украинликлар тижорат мақсадидаги сувий йўдошларни учиртишга мўлжалланган космодром қурадилар. Мутахассисларнинг фикрича, Осиё қитъасидаги Индонезия Ер шарининг «белбоғи» маркази — экватор қизилга яқинлиги босиб, бу космодромни қуриш Бойқўнирдан арзонга тушади.

МАРРАГА ЕТГАНЛАР

Марҳамат туманининг миришкор пахтакорлари пахта топшириш йиллик режасини бажардилар. 18770 тоннадан зиёд «оқ олтин» давлат оморларига етказилди.

Чигитни плёнка остига экиш усули пахтачилик ишига ривож берди. Янгилик туфайли пахта одатдагидан 15-20 кун илгари барвақт етилди. Ҳозир Т. Мирзаев номли, «Пахтакор», М. Тожибоев номли, У. Қорабоев номли жамоа хўжалиги пахтакорлари 130 фоизли маррадан утдилар. Йигим-терими мароми жадал борапти. Марҳаматлик пахтакорлар яна 4 минг тонна пахта топширишга аҳд қилдилар.

Хоразм вилояти Хонқа тумани деҳқонлари ҳам йиллик пахта отиш буюртмасини бажардилар. Хирмонга 32 минг 340 тонна юқори сифатли саноат хом ашёси топширилди. Уртача ҳосилдорлик 31 центнерни ташкил этди.

(Ўз мухбирларимиз).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 7 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона туловлари учун хорижий валюталарнинг сумга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	55,39	1 Норвегия кронаси	10,89
1 Австрия шиллинги	6,17	1 Польша злотийси	22,33
1 Англия фунт стерлинги	122,94	1 Португалия эскудоси	4,26
10 Бельгия франки	21,05	1 Сингапур доллари	49,18
1 Голландия гульдени	38,55	1000 Туркия лираси	0,43
10 Греция драхмаси	2,75	1 Финляндия маркаси	14,49
1 Дания кронаси	11,40	1 Франция франки	12,91
1 БАА дирхами	20,73	1 Швеция кронаси	10,17
1 АҚШ доллари	76,15	1 Швейцария франки	52,66
1 Миср фунти	22,48	1 ЭКЮ	84,91
1 Ирландия фунти	110,87	10 Жанубий Корея вон	0,83
1 Исландия кронаси	1,07	10 Япония иенаси	6,26
10 Испания песети	5,15	1000 Россия рубли	12,98
100 Италия лираси	4,42	1 Украина гривнаси	40,72
1 Канада доллари	55,52	1000 Беларусь рубли	2,72
1 Хитой юани	9,19	1 Эстония кронаси	6,01
1 Кувайт динори	250,44	1 Латвия лати	130,17
100 Ливан фунти	4,96	1 Литва лити	19,04
1 Малайзия ринггити	22,55	1 Қозоғистон тенгеси	1,01
1 Германия маркаси	43,41	1 Қирғизистон сом	4,39

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.



Наманган туманидаги «Олти қахрамон» жамоа хўжалиги теримчиси Умида Тожибоева.

Тургунбек МАҲҚАМОВ олган сурат.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ҳар бир ишнинг ўз мавсуми бор. Шунингдек, обунанинг ҳам. Бир ҳафта илгари бозордан арзонга олинмаган нарса бугун қимматроққа тушиши мумкин. Сиз ҳам эртага армонда қолмай десангиз, темирни иссиғида босинг. «Ўзбекистон овози», «Голос Ўзбекистана» ва «Осиё бозори» газеталарига ўз вақтида обуна бўлинг. Ушбу газеталар 1998 йил давомида қалбингизга ойдинлик, кунларингизга мазмун олиб киравереди.

Нашр индекслари:

«Ўзбекистон овози»:

Якка тартибда обуна бўлувчилар учун — 220. Ташкилотлар учун — 221.

«Голос Ўзбекистана»:

Якка тартибда обуна бўлувчилар учун — 121. Ташкилотлар учун — 122.

«Осиё бозори»:

Якка тартибда обуна бўлувчилар учун — 174. Ташкилотлар учун — 175.

